

ИШЛАК ЧАРГАН  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта максус таълим вазирлиги  
Ўзбекистон Республикаси  
Министрии таълимни

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРГИЛАН:


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим вазирлиги  
худурчаги Олий ва ўрта максус на професионал таълано нутчиликлари бўйиче  
учув-учубий бирзанималар фаoliyгни Муноғатиҳи руҳи контингент  
2021 йил «Б» тартибидан 26.08.2021-санда Йиғтимоҳад макулланган  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим вазирлигининг  
2021 йил «Б» тартибидан 26.08.2021-санда бўлгун оғизланганган.

ЖОРНЛУ

60712300 – Металлар технологиялари  
(металларга босим билан ишлов бериш)  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Малака талаблари "Олий таълим давлат таълим стандарти  
достин таънадори", "Олий таълим нутчиликлари ва муваҳассасчилари  
такомплектори", Узбекистон Республикаси Министрии моласа роҳисчига  
да вободи шахтчилари ва расмий чеърхий-усубий хужжат хисоблаганди.  
Узбекистон Республикаси худудида Малака талабларни раҳмаян чоҳ  
хукук. Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим  
вазирлиги таънидайдир.

Тошкент-2021



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- «MANOKIP ZAVODI» МЧЖ.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 9 - сонли йигилишида маъкулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «26» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

1.2.1. 60712300 – Металур технологияни мөнадигча (босим бинада шаков берни) таълим йўналиши бўйича бекаларидар тасбий – фабриктарининг 4 обьектлари.

1.2.2. 60712300 – Металур технологияни мөнадигча (босим бинада шаков берни) таълим йўналиши бўйича бекаларидар тасбий – прокаттарининг 3 турлари.

1.2.3. 60712300 – Металур технологияни мөнадигча (босим бинада шаков берни) таълим йўналиши бўйича бекаларидар тасбий – фабриктариниң 5 обьектлари.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

## МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	<i>60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолияттининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	<i>60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув вараги .....	9

## **1. 60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки, сиртқи ва масофвий таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Бакалавриат дастурининг таълим шаклларида кўра ўқиши меъёрий муддатлари кундузги таълимда 4 йил, кечки таълимда 4,5 йил, сиртқи таълимда 5 йил ва масофавий таълимда 5 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси.**

#### **1.1.1. 60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланиши.**

Малака талаби 60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмууни ифодалайди.

##### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирудчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва ўкув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талabalari;
- бакалавриат битирудчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим муассасаларига ўқишига кираётган аббитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

##### **1.2.1. 60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.**

###### **60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш)**

– “Муҳандислик иши” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у металлар тузилиши ва қайта ишлаш усуллари, машинасозлик деталларини металларга босим билан ишлов берииш усуллари билан олиш технологиялари, босим билан ишлов берииш жиҳозлари, улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, босим билан ишлов берииш ускуналари ва жараёнларини лойиҳалаш, соҳа истиқболини белгилашга, касбий кўникма, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

##### **1.2.2. 60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг обьектлари:**

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар ( фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

- металлар тузилиши, металларни қайта ишлаш усуллари, металларга босим билан ишлов бериш технологик жараёнлари;
- металларга босим билан ишлов беришнинг асосий ва маҳсус усуллари, жиҳозлари, ускуналари ва уларнинг конструкциялари;
- сифат назоратини ташкил қилиш, даталь ва маҳсулот сифат талабларини ишлаб чиқиш кўниммалари;
- илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини техникавий таъминлаш воситалари; касб-хунар коллежларидағи ўқув-тарбия жараёни.

**60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берии)** таълим йўналиши бўйича бакалавриат битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

#### **1.2.3. 60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берии) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- муҳандислик - қидирав ва лойиҳа-конструкторлик фаолияти;
- ишлаб чиқариш – технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий – тадқиқот фаолияти;
- фойдаланиш-сервис фаолияти.

#### **1.2.4. 60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берии) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

**60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берии)** таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир болиши лозим:

##### **Муҳандислик-қидирав ва лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:**

- метлларга босим билан ишлов бериш қурилмаларининг қисмлари ва деталлари ва йиғма бирликларининг лойиҳасини тизимли ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш қобилиятлари;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- метлларга босим билан ишлов бериш қурилмаларининг ишчи параметрларини аниқлаш бўйича синовларни ўtkазish қобилияти;
- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равиша кўллаш қобилиятларини ўзлаштириш.

##### **Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:**

- муҳандислик иши жабҳасидаги обьектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситалардан самарали фойдаланиш;
- тизимлар, технологик жараёнлар, уларнинг элементлари ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқишда ижрочилар жамоаси таркибида иштирок этиш;
- обьектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларнинг эксплуатация хавфсизлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- техникавий-иктисодий таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;
- касбий этика коидаларига риоя қилиш.

##### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қурилиш ишлаб чиқариши технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиши;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш бўғинининг ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш қўникмалари.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- замонавий методлар ва воситалардан фойдаланиб фаолият объектлари ҳолатини таҳлил қилишда иштирок этиш;
- муҳандислик иши соҳасидаги объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, синаш ва улардан самарали фойдаланишда иштирок этиш;
- самарасиз вақт, меҳнат ва моддий ресурсларни камайтириш, рационал технологик жараёнларни танлаш бўйича тадқиқотларни ўтказишида қатнашиш;
- муҳандислик иши таълим соҳасидаги маҳсус адабиётлар, илмий-техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;
- таҳлил, ҳисоботлар ва илмий публикацияларни тузиш учун маълумотларни тайёрлаш;
- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш.

**Фойдаланиш-сервис фаолиятида:**

- муҳандислик иши таълим соҳасига тегишли объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларни синаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш;
- муҳандислик иши таълим соҳасига тегишли объектлар, жараёнлар, тизимлар, жиҳозлар ва техник воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш.

**2. 60712300 – Металлар технологиялари (металларга босим билан ишлов берииш)  
таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига  
қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурӣ билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усувларини эгаллаган бўлиши,

фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил әгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- метлларга босим билан ишлов бериш қурилмаларининг қисмлари, деталлари ва ийгма бирликларининг лойиҳасини тизимли ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилишни билиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- метлларга босим билан ишлов бериш қурилмаларининг ишчи параметрларини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш кўникмаларига эга бўлиш;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларини ўзлаштиришни билиш;

- метлларга босим билан ишлов бериш технологик жараёнларини бажариш, маромига етказиш ва ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- метлларга босим билан ишлов бериш технологик жараёнларини лойиҳалаштиришда технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилишни билиш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- метлларга босим билан ишлов бериш технологик жараёнларини ишлаб чиқишида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилишни билиш;

- маҳсулот ва деталларни лойиҳалашда металларга босим билан ишлов бериш усууларини тўғри танлаш ишлаб чиқаришга жорий қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш учун технологик жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш кўникмаларига эга бўлиш;

- металларга босим билан ишлов бериш соҳасидаги маҳсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш кўникмаларига эга бўлиш;

- металларга босим билан ишлов бериш технологик жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидалари ва технологиясини билиш;

- металларга босим билан ишлов бериш технологик жиҳозлари, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини текшириш ва қолдиқ ресурсини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, металларга босим билан ишлов бериш, технологик жиҳозлар, деталлар сифат назорати, металлар тузилиши, металларни қайта ишлаш усуслари, металларга босим билан ишлов беришнинг асосий усуслари, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

## КЕЛИШУВ ВАРАГИ

### ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети



Ректор проф. С.М. Турабджанов

2021 йил « 23 » 08

“MANOKIP ZAVODI” МЧЖ

Директор С.Р.Икромалиев

2021 йил « 23 » 08

М.Ү.

### КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълим министрлиги  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б. М. Эсонов

2021 йил « 29 » 08

М.Ү.

Тошкент шаҳридаги  
Турин политехникауниверситети

Ректор проф. Ж.Ш.Иноятходжаев

2021 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_

“Агрегат заводи” АЖ

Бош директори Б.К.Аюбов

2021 йил « 24 » 08

М.Ү.

“В.Гальперин номидаги Тошкент труба  
заводи” МЧЖ ҚҚ

Директор В.Суцепина

2021 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_

